

**Суд бошқарувчиларнинг касбга оид одоб-ахлоқ
қоидаларини тасдиқлаш ҳақида**

“Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банкротлик таомилларини янада соддалаштириш ва суд бошқарувчилари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4146-сонли қарори ва Ўзбекистон суд бошқарувчилари ассоциацияси аъзоларининг 2025 йил 19 августдаги 3-сонли Ўзбекистон суд бошқарувчилари Ассоциацияси кенгаши йиғилиши баённомасига мувофиқ, Ўзбекистон суд бошқарувчилари ассоциацияси **қарор қилади:**

1. Суд бошқарувчиларнинг касбга оид одоб-ахлоқ қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Суд бошқарувчилар касбга оид одоб ахлоқ қоидаларига риоя этишга мажбурдир.
3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги билан келишилган.
4. Мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон суд бошқарувчилари
ассоциацияси Раиси

Тошкент ш.
2025 йил “22” август,
3 -сон



Э.Д. Икрамов

Келишилди:

Ўзбекистон Республикаси
Давлат активларини бошқариш
агентлиги директори

2025 йил “22” август



А.Ж. Ортиков

Суд бошқарувчиларнинг касбга оид одоб-ахлоқ қоидалари

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Суд бошқарувчиларнинг касбга оид одоб-ахлоқ қоидалари (кейинги ўринларда – одоб-ахлоқ қоидалари) суд бошқарувчилари жамоат бирлашмалари аъзоларининг касбга оид одоб-ахлоқ қоидаларини тартибга солади.

2. Ушбу одоб-ахлоқ қоидаларда қуйидаги асосий тушунчалар ва атамалардан фойдаланилган:

суд бошқарувчи (муваққат бошқарувчи, санация бошқарувчи, ташқи бошқарувчи, тугатиш бошқарувчиси, молиявий бошқарувчи) – тўловга қобилиятсизлик тартиб-таомилларини ўтказиш учун суд томонидан тайинланадиган шахс;

суд бошқарувчилари жамоат бирлашмаси (Ўзбекистон суд бошқарувчилари ассоциацияси ва унинг ҳудудий бўлинмалари) – суд бошқарувчиларни ихтиёрий асосда бирлаштирувчи нодавлат нотижорат ташкилоти;

ваколатли давлат органи – Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги;

манфаатлар тўқнашуви – шахснинг шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлиги унинг ўз лавозим ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган (мавжуд манфаатлар тўқнашуви) ёки юзага келиши мумкин бўлган (эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви) ҳолат.

2-боб. Суд бошқарувчининг одоб-ахлоқ қоидаларининг асосий тамойиллари

3. Суд бошқарувчининг одоб-ахлоқ қоидаларининг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат:

қонунийлик ва холислик – суд бошқарувчи ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг қонунларига, хусусан “Тўловга қобилиятсизлик

тўғрисида”ги Қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этиши ва қарор қабул қилишда ҳолис ва объектив бўлиши шарт;

шаффофлик ва ҳисобдорлик – суд бошқарувчининг ҳар бир ҳаракати ошкора, тушунарли ва ҳужжатлаштирилган бўлиши шарт. У кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар кўмитасига, судга ва бошқа манфаатдор томонларга ҳисобот бериши ва ўз фаолияти учун жавобгарликни ҳис этиши лозим;

ҳаққонийлик ва адолатпарварлик – суд бошқарувчи тўловга қобилиятсизлик жараёнида иштирок этувчи барча шахслар – қарздор, кредиторлар ва бошқаларга нисбатан тенг ва адолатли муносабатда бўлиши шарт;

меҳнат интизоми ва масъулият – суд бошқарувчи касбий вазифаларини ўз вақтида, аниқ ва самарали тарзда бажарилиши, ишини суиистеъмолсиз, ўз манфаатидан устун туриб олиб бориши лозим;

оммавий манфаатларни устун қўйиш – суд бошқарувчи шахсий ёки гуруҳ манфаатларини эмас, фақат тўловга қобилиятсизлик жараёнида иштирок этувчи барча томонлар манфаатини устувор деб билиши керак;

сиёсий ва иқтисодий нейтраллик – суд бошқарувчи ҳар қандай сиёсий қараш ёки тижорат фаолиятидан холи бўлиши, уларнинг таъсири остида қарорлар қабул қилмаслиги лозим.

3-боб. Суд бошқарувчиларнинг одоб-ахлоқ қоидалари

4. Суд бошқарувчи:

тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги ишда иштирок этувчи шахсларнинг жинси, ирқи, миллати, фуқаролиги, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи камситилишига олиб келувчи таъсир чоралари ва ҳаракатлар (ҳаракатсизлик)га йўл қўймаслиги;

ҳалол, адолатли ва камтар бўлиши, мулоқотда хушмуомала, вазмин ва самимий муносабатни намойиш қилиши;

тўловга қобилиятсизлик иши иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор қарорларни қабул қилишда қонунийликни, адолатлиликни ва шаффофликни таъминлаши;

ўзининг хатти-ҳаракати ва ахлоқи туфайли жамоатчиликнинг танқидига учрамаслик чораларини кўриши, танқид учун таъқибга йўл қўймаслиги, асосли ва конструктив танқиддан ўз фаолиятидаги камчиликлар ҳамда нуқсонларни бартараф этиш йўлида фойдаланиши;

ўз хизмат ваколатларини тўловга қобилиятсизлик иши иштирокчиларининг манфаатларини кўзлаб бажариш ёки бажармаслик эвазига улардан бирон-бир мукофот, фойда ёки совғалар олмаслиги ва бермаслиги;

қарздор мулкнинг бут сақланишини таъминлаши ва фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши;

қонун билан интизомий, маъмурий ва жиноий жавобгарлик назарда тутилган ҳуқуқбузарлик ва бошқа хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслиги;

одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиши;

сиёсий партиялар ва бошқа нодавлат ташкилотлари манфаатлари йўлида хизмат мавқеи ва имкониятларидан фойдаланмаслиги керак.

5. Суд бошқарувчи ўзига бўйсунувчи ходимлардан улар меҳнат вазифасини бажараётган пайтда партия номидан сиёсий фаолият билан шуғулланишни талаб қилиши, сиёсий партиялар фаолиятида иштирок этишга даъват этиши ёки мажбурлашига йўл қўйилмайди.

6. Суд бошқарувчи хизмат фаолияти давомида қуйидагиларга мажбур: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига сўзсиз риоя этиши;

қарздорнинг молиявий аҳволини таҳлил қилиш, бухгалтерия ҳисоби, мол-мулкни баҳолаш ва менежментга оид билимлар асосига эга бўлиши;

қарздорни молиявий соғломлаштириш ва кредиторлар талабларини мутаносиб равишда қондириш ечимларини топиши;

тўловга қобилиятсизлик соҳасида профессионал билимларга эга бўлиши, уларни доимий равишда такомиллаштириши;

ҳар қандай қонунбузилишига, айниқса, коррупция ҳолатларига қарши мурасасизлик билан курашиш;

суд бошқарувчисини жиноят ёки бошқа ҳуқуқбузарлик содир этишга ундовчи мурожаатлар ҳақида, шунингдек, ҳамкасблари томонидан содир этилган ёки тайёргарлик кўриляётган қонунбузилишлар ҳақида ҳуқуқ тартибот органларига зудлик билан маълум қилиш;

қонун билан қўриқланадиган ва хизматга оид бошқа маълумотларнинг ошкор этилмаслигини таъминлаш юзасидан барча чораларни кўриш, улардан қонунга зид равишда фойдаланмаслик;

ўз фаолиятида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, шу жумладан “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Қонунда назарда тутилган эълон қилиниши белгиланган маълумотларни оммавий ахборот воситаларида доимий равишда эълон қилиб бориш;

ахборотларни тарқатиш қоидаларига риоя қилиш, интернет жаҳон ахборот тармоғи ва ахборот коммуникация воситаларидан фойдаланишда ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг белгиланган тартибига амал қилиш;

ижтимоий тармоқларда давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда мансабдор шахслар фаолиятини муҳокама қилмаслик, ахлоққа зид ибораларни ишлатмаслик, мамлакатда амалга ошириляётган ислохотларга нисбатан

одамларда ишончсизлик кайфиятини юзага келтириши мумкин бўлган материалларни жойлаштирмаслик;

ҳамкасбларининг шаъни ва кадр-қимматига доғ туширувчи маълумотлар, тухмат, иғво ва уйдирмаларни тарқатмаслик;

ўзига ишониб топширилган мулкка ва молиявий маблағларга эҳтиёткорлик ва тежамкорлик билан муносабатда бўлиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қонунда белгиланган тартибда ҳамда муддатларда қонуний, асосли ва адолатли ҳал қилиш;

меҳнат жамоасида ишчанлик муҳитини шакллантириш ва уни мустаҳкамлашга кўмаклашиши;

меҳнат жамоасида ҳамкасбларининг шаъни ва кадр-қимматини обрўсизлантирадиган шахсий ва касбий фазилатларини муҳокама қилишдан тийилиши керак.

7. Суд бошқарувчи ўз хизмат вазифасидан ташқари вақтда қуйидагиларга мажбур:

миллий урф-одат, кадрият ва анъаналарга ҳурмат билан муносабатда бўлиш; ижтимоий ва маънавий меъёрларга зид бўлган ҳар қандай салбий иллатлар, гуруҳбозлик ва номақбул хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслик; жамоат жойларида (умумий овқатланиш ва бошқа кўнгилочар масканларда) ўзини тутиш қоидаларига риоя этиш, атрофдагиларнинг эътиборини тортувчи ортиқча ва салбий ҳаракатларга йўл қўймаслик;

жамоат тартиби ва хавфсизлигига қарши қаратилган хатти-ҳаракатларни содир этмаслик, мазкур ноқонуний ҳаракатларга бошқаларни жалб этмаслик ёки даъват қилмаслик;

хизмат автотранспорт воситаларидан хизмат фаолиятидан ташқари ҳолатларда шахсий ва бошқа мақсадларда фойдаланмаслик;

иш фаолияти билан боғлиқ маълумотларни ишга алоқадор бўлмаган бошқа шахслар иштирокида муҳокама қилмаслик.

4-боб. Суд бошқарувчилар фаолиятида манфаатлар тўқнашуви

8. Суд бошқарувчи қуйидаги манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслиги керак:

мансаб ёки хизмат мажбуриятларини бажариш вақтида манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорликка;

ўз вазифаларини бажаришда қарздор ва кредиторлар билан меҳнат муносабатларида, шунингдек, уларнинг мулкдорлари ва мансабдор шахслари билан мулкӣ ва бошқа манфаатларга эга бўлишликка;

ўз иш юритувидаги корхоналардан ташқари бошқа суд бошқарувчиси иш юритувидаги корхоналарда меҳнат муносабатларида бўлишликка;

юклатилган ваколатларини ўз манфаати йўлида суиистеъмол қилиш, жумладан, ҳақ тўлаш шартлари, қарздор мол-мулкларини баҳолаш ва фаолиятини аудит текширувларидан ўтказиш жараёнларини коррупцион мақсадларига мослаштиришига;

қарздор мол-мулкларини сотишда ўзининг ёки яқин қариндошларининг шахсий ёки тижорат манфаатларини кўзлашга;

қарздор билан яширин келишувлар асосида маълум қарорларни қабул қилиш, жумладан, қарздорнинг айрим мажбуриятларини енгиллаштириши ёки мол-мулклари бўйича маълумотларни яширишга;

кредиторлар билан келишилган ҳолда, уларнинг овозларини ноқонуний йўллар билан кўпайтириш, бошқа кредиторларнинг таклифларини эътиборсиз қолдиришликка;

ўз хизмат ҳақини белгилашда ҳақсиз устама талаб қилиши, бошқарув харажатларини асоссиз оширишга.

9. Суд бошқарувчи ўзи иштирок этаётган тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги ишда қандайдир манфаатдорлик мавжуд бўлса, бу ҳақда судга ва тегишли ваколатли органларга ёзма равишда маълумот беришлари шарт.

10. Манфаатлар тўқнашуви сабабли келиб чиққан зарар учун суд бошқарувчи қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилиши мумкин.

5-боб. Суд бошқарувчи фаолиятида конфиденциал маълумотлардан фойдаланиш ва сақлаш қоидалари

11. Суд бошқарувчи ўз фаолиятида олган барча конфиденциал маълумотни, шу жумладан қарздор ва кредиторлар ҳақидаги маълумотларни, хизмат ва тижорат сирларини, ҳар қандай шаклдаги маълумотларни конфиденциал сақлашга мажбурдир.

Конфиденциал маълумот тоифасига қуйидагилар кириши мумкин: қарздор ва кредиторга оид маълумотлар, бундан қарздорнинг молиявий аҳволи ҳақидаги маълумотлар мустасно;

қарздорда сақланаётган махфий ва хизмат доирасида фойдаланиш учун тоифасидаги барча маълумотлар;

хўжалик юритувчи субъектлар, муассасалар ва ташкилотлар билан боғлиқ тижорат сирлари.

Суд бошқарувчи ўз вазифасидан озод этилган бўлса ҳам, ушбу бандда назарда тутилган маълумотларни конфиденциал сақлашга мажбурдир.

12. Суд бошқарувчи иш жараёнида олинган конфиденциал маълумотни фақат иш фаолиятида қонун ҳужжатларига мувофиқ фойдаланиши мумкин.

Ушбу маълумотни шахсий манфаатларида ёки ҳар қандай учинчи томоннинг манфаатлари учун, шунингдек, қарздор ва кредиторларнинг манфаатларига зарар етказиш учун фойдаланиш қатъиян тақиқланади.

13. Конфиденциал маълумотни ошкор қилиш, қуйидаги ҳолатларда амалга оширилса, суд бошқарувчининг касбий одоб-ахлоқ талабларига зид ҳисобланмайди:

қарздор ва кредиторлар томонидан барча тарафлар манфаатлари ҳисобга олинган ҳолда, рухсат берилган бўлса;

қонунчилик ҳужжатлари ёки суд органларининг қарорлари билан конфиденциал маълумотларни ошкор қилиш вазифаси юклатилган бўлса;

суд бошқарувчи ўзининг касбга оид манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида расмий текширув ёки терговда иштирок этса.

14. Суд бошқарувчи ўзига қонун ҳужжатлари билан юклатилган мажбуриятларни бажариш учун жалб этилган шахслар томонидан конфиденциал маълумотни сақланишини таъминлаш учун жавобгар ҳисобланади. Мазкур шахслар томонидан конфиденциал маълумотдан фойдаланиш шартлари суд бошқарувчи билан тузиладиган шартномаларда белгиланиши керак.

15. Суд бошқарувчи конфиденциал маълумотлардан фойдаланиш ва сақлаш бўйича қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибларга риоя этиши, хавфсизлик чораларини кўриши, шахсий маълумотларни ёки тижорат сирларини сақлаш учун зарур бўлган барча техник ва ҳуқуқий чораларни кўриши керак.

16. Суд бошқарувчининг конфиденциал маълумотларни йўқотиш ёки қонун ҳужжатларига зид равишда ошкор қилиши, унга нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади. Суд бошқарувчи бу каби ҳолатларни тезкор равишда тегишли давлат органига маълум қилиши ва ушбу ҳолатни бартараф этиш учун тегишли ташкилий чораларни кўриши керак.

6-боб. Суд бошқарувчининг суд бошқарувчилари жамоат бирлашмаси билан ҳамкорлик йўналишида ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

17. Суд бошқарувчи суд бошқарувчилари жамоат бирлашмаси билан ҳамкорлик йўналишида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

суд бошқарувчи, суд бошқарувчилари жамоат бирлашмасининг фаолияти, у томонидан амалга оширилаётган фаолиятининг йўналишлари, жамоат бирлашмаси аъзолари сони ҳамда ҳамкор ташкилотлар тўғрисида маълумотларни сўраб олиш;

суд бошқарувчи унинг фаолиятига дахлдор ёки қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли масалаларни кўриб чиқиш бўйича ўтказиладиган суд

бошқарувчилари жамоат бирлашмаси аъзоларининг умумий йиғилиши, мазкур жамоат бирлашмасининг бошқа органлари йиғилишлари ҳақида ўз вақтида хабардор қилиниши;

суд бошқарувчи, суд бошқарувчилари жамоат бирлашмасининг устави ва бошқа ички ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

18. Суд бошқарувчи суд бошқарувчилари жамоат бирлашмаси билан ҳамкорлик йўналишида қуйидаги мажбуриятларга эга:

суд бошқарувчилари жамоат бирлашмаси сўровига биноан ўз фаолиятига оид ҳисоботлар ва бошқа маълумотларни белгиланган муддатда тақдим этиши шарт.

Маълумот тақдим этишда махфийлик ва шахсий маълумотларни муҳофаза қилиш талабларига риоя қилиш;

суд бошқарувчи ўз касбий фаолиятини амалга оширишда аъзо бўлган суд бошқарувчилари жамоат бирлашмасининг низоми, ички қоидалари ва мазкур одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиши;

суд бошқарувчилари жамоат бирлашмаси аъзоси сифатида касбий одоб ахлоқ, ўзаро ҳурмат, ҳалоллик ва холислик тамойилларига амал қилиши;

суд бошқарувчилари жамоат бирлашмаси томонидан ташкил этиладиган семинар, малака ошириш курслари, йиғилишлар, конференциялар, давра суҳбатлари ва бошқа тадбирларда иштирок этиши, касбий салоҳиятини ошириш устида доимий ишлаши;

суд бошқарувчиси ўз фаолияти юзасидан суд бошқарувчилари жамоат бирлашмаси томонидан ўтказиладиган мониторинг жараёнларида иштирок этиши, сўралган ҳужжат ва ахборотларни тақдим этиши;

суд бошқарувчи тўловга қобилиятсизлик иши бўйича ўз вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилувчи ҳолатлар юзага келган тақдирда, бу ҳақда суд бошқарувчилари жамоат бирлашмасига ва тегишли давлат органларига ўз вақтида хабар бериши;

суд бошқарувчилари жамоат бирлашмасининг обрў-эътиборига зарар етказадиган ҳар қандай хатти-ҳаракатлардан ўзини тийиши.

19. Суд бошқарувчи касбий ҳамкорлик доирасида бошқа суд бошқарувчилар, экспертлар ва мутахассислар билан ахборот ва тажриба алмашиш, тўловга қобилиятсизлик соҳасидаги қонунчиликка киритилган ўзгартиришлар, соҳадаги янгиликлар, муаммолар ва уларнинг ечимлари бўйича фикр алмашади.

20. Суд бошқарувчилари жамоат бирлашмаси аъзолари ўртасида юзага келган низолар мазкур жамоат бирлашмаси томонидан тузиладиган кенгаш томонидан кўриб чиқилади ва ҳал этилади.

7-боб. Суд бошқарувчилари жамоат бирлашмаси ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

21. Суд бошқарувчиларнинг касбий малакасини оширишга кўмаклашиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда уларнинг ролини кучайтириш мақсадида, суд бошқарувчилари жамоат бирлашмаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан муносабатларда суд бошқарувчисининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;

суд бошқарувчи фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;

ушбу Низом талабларини бузган суд бошқарувчисига нисбатан тегишли таъсир чораларини қўллаш.

22. Суд бошқарувчилари жамоат бирлашмаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари қуйидагиларга мажбур:

ўз аъзолари томонидан амалдаги қонунчилик ва мазкур касбга оид одоб ахлоқ қоидаларига риоя этиш бўйича мажбурият олиш ҳақида қарор қабул қилиш;

ушбу касбга оид одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши устидан мониторинг олиб бориш;

суд бошқарувчилари фаолиятини мувофиқлаштириш, улар ўртасида ахборот алмашинуви ва ҳамкорликни ташкил этиши;

суд бошқарувчилари, манфаатдор органлар ва жамоатчиликка ўз фаолияти, аъзолари сони ва йўналишлари ҳақида аниқ маълумотларни тақдим этиш;

суд бошқарувчилари учун ўқув курслари, семинарлар ва малака ошириш тадбирларини ташкил этиш;

ўз фаолияти очиклиги ва шаффофлигини таъминлаши;

суд бошқарувчиларга оид олинган шахсий ёки хизмат маълумотларини қонун талабларига мувофиқ махфий сақлаши.

8-боб. Ўзбекистон суд бошқарувчилари ассоциациясининг асосий вазифалари

23. Суд бошқарувчиларининг одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини таъминлаш

Ассоциациянинг энг муҳим вазифаларидан бири – хизматчиларнинг кундалик фаолиятида одоб-ахлоқ қоидаларига тўлиқ амал қилишларини таъминлашдир. Бунда Ассоциация қуйидагиларни амалга оширади:

суд бошқарувчиларнинг меҳнат интизоми, хизмат маданияти ва тўловга қобилиятсизлик иши иштирокчиларига муносабатини мунтазам мониторинг қилади;

одоб-ахлоқ қоидаларига оид тушунтириш ишларини олиб боради;
ҳар чоракда камида бир маротаба Ассоциациянинг йиғилишларида амалга оширилган ишлар ҳақида ахборот эшитилади.

24. Одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш ҳолатларини кўриб чиқиш

Ассоциация суд бошқарувчилар томонидан йўл қўйилган қоидабузарликларни кўриб чиқиб, ҳолис қарор қабул қилади. Бунда аниқланган қоидабузарликлар юзасидан қуйидаги чоралар қўлланилади:

ёзма огоҳлантириш;

узр сўраш ёки расмий узрнома келтиришни талаб қилиш;

қонунчиликда белгиланган тартибда интизомий таъсир чораси.

25. Манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва бартараф этиш

Ассоциация суд бошқарувчиларнинг фаолиятида манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини аниқлаб, уларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади.

Манфаатлар тўқнашувини аниқлаш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

ҳар бир суд бошқарувчи “Эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларация”ни тўлдиради ва ҳар йили **15 январдан** кечиктирмай Ассоциацияга тақдим этади;

агар суд бошқарувчи манфаатлар тўқнашувини Ассоциацияга маълум қилса, Ассоциацияга унга маслаҳатчи сифатида ёрдам кўрсатади;

манфаатлар тўқнашуви аниқланган ҳолларда – суд бошқарувчи қарор қабул қилиш жараёнидан четлаштирилади.

26. Профилактика ишларини ташкил этиш

Ассоциация қоидабузарликларнинг олдини олиш мақсадида қуйидагиларни амалга оширади:

маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиш;

суд бошқарувчилар учун “Одоб-ахлоқ ҳафталиги”ни ташкил этиш;

одоб-ахлоқ қоидалари бўйича буклет, йўриқнома, слайд ва видеороликлар тайёрлаш.

27. Маслаҳат бериш

Ассоциация суд бошқарувчиларга одоб-ахлоқ масалаларида маслаҳатчи сифатида хизмат қилади. Маслаҳат турлари:

ёзма маслаҳат (хизматчи расмий мурожаат йўллайди, Ассоциация жавоб беради);

оғзаки маслаҳат (мулоқот жараёнида ёки телефон орқали);

гуруҳ маслаҳати (бир гуруҳ суд бошқарувчилар учун семинар шаклида).

9-боб. Ўзбекистон суд бошқарувчилари ассоциациясининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

28. Ассоциациянинг ҳуқуқлари

Ассоциация ўз вазифаларини самарали бажариши учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши устидан назорат олиб бориш;
суд бошқарувчиларнинг кундалик хизмат фаолиятида этика ва интизомга амал қилинишини текшириш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг одоб-ахлоқ бузилишига доир мурожаатларини кўриб чиқиш;

ҳужжат ва маълумотларни талаб қилиш;

Ассоциация иши учун зарур бўлган хизмат ҳужжатлари, буйруқлар, ички низомлар, суд бошқарувчига оид маълумотларни талаб қилиб олиш;

суд бошқарувчилардан тушунтириш олиш;

Ассоциация мурожаат ёки шикоят юзасидан хизматчидан ёзма ёки оғзаки тушунтириш талаб қилиши;

таклиф ва тавсиялар киритиш;

29. Комиссиянинг мажбуриятлари

Ассоциация ўз фаолиятида қуйидаги мажбуриятларни бажариши шарт: холисликни таъминлаш мақсадида Ассоциация ҳар қандай масалани шахсий ёки гуруҳлар манфаати таъсирисиз кўриб чиқиши;

тўловга қобилиятсизлик иши иштирокчилари ва суд бошқарувчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида Ассоциация қарорлари шахснинг шаъни ва кадр-қиммати тажовуз қилмаслиги ва суд бошқарувчилар ўз фикрини эркин баён қилиш имкониятига эга бўлиши;

сир сақлаш қоидаларига риоя қилиш учун мурожаатчиларнинг шахсий маълумотлари сир сақланиши керак. Ассоциацияда муҳокама қилинган масалалар оммавий тарзда тарқатилмаслиги;

қоидабузарлик ҳолатлари бўйича таҳлилий маълумот тайёрлаши;

профилактика тадбирлари ўтказиш (маънавий-маърифий тадбирлар, маърузалар, семинарлар ва давра суҳбатлари ўтказиш).

Ассоциация қабул қилган қарорлар ўз вақтида ижро этилиши учун масъул бўлади.

10-боб. Суд бошқарувчиларнинг одоб-ахлоқ қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик

30. Суд бошқарувчи томонидан ушбу одоб-ахлоқ қоидалари талабларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик, уни суд бошқарувчилари жамоат бирлашмаси аъзолигидан чиқариш учун асос бўлиши мумкин.

31. Суд бошқарувчилари жамоат бирлашмаси аъзолигидан чиқариш – жамоат бирлашмаси томонидан ўз аъзоси бўлган суд бошқарувчисига нисбатан қўлланиладиган жавобгарлик чораси ҳисобланади ва ушбу чора фақат жамоат бирлашмасининг устави ҳамда унинг ички ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

32. Суд бошқарувчилари жамоат бирлашмаси аъзолигидан чиқарилган суд бошқарувчисининг номзоди, тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш қўзғатилган корхоналар суд бошқарувчиси вазифасига тайинлаш учун судга номзоди тақдим этилмайди.

33. Суд бошқарувчилари жамоат бирлашмаси суд бошқарувчини жамоат бирлашмаси аъзолигидан чиқарган санадан эътиборан уч кун муддатда аъзоликдан чиқариш сабабларини келтирган ҳолда бу ҳақида ваколатли давлат органини хабардор қилади.

11-боб. Якуний қоидалар

34. Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш суд бошқарувчининг профессионал обрўси ва ишончилиги кафолати ҳисобланиб, шу билан бир қаторда ушбу одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши суд бошқарувчининг жавобгарлиги масаласи кўрилишига сабаб бўлади.